ИСТАМБИБИНИНГ «ИСТАГИ»

...У эсли ҳушли инсон, бир оиланинг бекаси, беш фарзанднинг онаси бўла туриб, гиёҳванд моддалар етиштириш, ўтказиш, сотиш билан шуғулланди. Неча-неча оилаларнинг барбод бўлиши, бегуноҳ гўдакларнинг ногирон туғилиши, тирик етим бўлиб қолишига сабабчи бўлди. Наҳотки, у мана шулар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган бўлса?

2 бет

СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

...Ҳуқуқий мавзуда ёзишнинг эса ўзи бўлмайди. Қонун тили шундай тилки, бу мавзуда ёзиш учун ҳар бир сўзни чуқур мулоҳаза қилиб, ўз ўрнида ишлатиш лозим бўлади. Акс ҳолда мақола мазмуни ва мақсадига путур етади. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлиши ва ҳатто иш судга қадар етиб бориши ҳам мумкин.

3 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2009-yil 22-yanvar, № 04 (629)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

ПАРЛАМЕНТДА

Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш — прокуратура органлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши» мавзусида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари ва ўқитувчилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати бўлиб ўтди

Қонунчилик палатаси аъзолари ўз маърузаларида икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларнинг республикамизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдаги ўрни ҳақида тўхталдилар. Давра суҳбатида республикамизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларига, энг асосийси инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида прокуратуранинг ваколатлари кўлами, унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган асосий йўналишлар белгиланган. Прокуратура органлари фуқаро ҳуқуқларининг камситилиши ҳолатларига ўз вақтида барҳам бериш учун бошқарув ҳамда назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини кузатиб боришлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ прокуратура фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура фаолиятининг ушбу турини алоҳида ажратиб кўрсатиш — унинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш салоҳияти сезиларли даражада ошганлигидан, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш механизмида прокуратура органларининг мавқеи бирмунча кучайганлигидан далолат беради.

Ўз ваколатларини амалга ошириш орқали прокурор фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга доир мажбуриятларини бажаради.

Шунингдек, бундай фаолият маърузалар, суҳбатлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга доир ишларни олиб боришда ҳам акс этади.

Давра суҳбатида Бош прокуратура Олий ўқув курслари тингловчилари Олий Мажлисда такомиллаштирилаётган қонунлар, уларнинг жамиятдаги ўрни ва амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар ҳамда қонун чиқарувчиларнинг амалиётчилар билан мунтазам учрашувларини ўтказиб бориш мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

Алишер ХОДЖАЕВ,
Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари

НАЗОРАТ

Тасаввур қилинг: оилангиз даврасида телевизор томоша қилиб ўтирибсиз. Тўсатдан чирок ўчиб қолди. Бутун оламни зулмат қоплагандек бўлади. Ёки энди овқат пиширмоқчи бўлганингизда газ келмай қолди. Бу пайтда қандай аҳволга тушасиз? Ховли-жойингиз бўлса-ку ўтин топиб, ўчоққа олов ёқарсиз. Аммо кўп қаватли уйда яшасангиз-чи?!

Назорат кучайтирилмоқда

Энди шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўринг! Хўш, электр энергияси ҳақини тўлаб қўйганмисиз? Табиий газ учун-чи? Аксарият фуқароларимиз айнан шундай пайтдагина бу ҳақда ўйлаб қолади. Эртасига қарзини тезроқ тўлаш учун тегишли идораларга зир югуради. Бу юмушларни вақтида қилиб қўйганда-ку, олам гулистон эди.

Бош прокуратура томонидан коммунал тўловлар, электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг вақтида тўланишига доир қонунчилик ижросининг аҳволи таҳлил қилинганда, электр энергияси ва табиий газдан қарздорлик юқори даражада эканлиги маълум бўлди.

Етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ учун вужудга келган дебитор қарзларнинг ўсишига эса тармоқ корхоналар мансабдор шахсларининг бу ишга масъулиятсизларча ёндошганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Масалан, «Жанубгазтаъминоти» унитар корхонасининг Қашқадарё вилояти филиали мансабдор шахслари томонидан табиий газ учун тўловларни ундириш чоралари кўрилмаганлиги натижасида муддати ўтган дебитор қарздорлик 13,7 млрд. сўмга етган.

Ургут туманидаги Деҳқонобод туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари эса етказиб берилган электр энергияси учун мавжуд 1,4 млрд. сўм қарзларни ундириш чораларини кўришмаган.

(Давоми 2-бетда).

Йил якунларига бағишланди

Сурхондарё вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида 2008 йил мобайнида қонунчилик назорати бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Ҳайъат мажлисини вилоят прокурори Дилмурод Абдураҳманов бошқарди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Муҳиддин Қиёмов йил якунларига оид умумий маълумотлар билан таништириб, ўтган йилда вилоят прокуратура органлари томонидан назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътибор аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилганлигини қайд этиб ўтди. 2009 йилда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат ишлари кучайтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Мажлис якунида хизмат фаолияти даврида ўрнак кўрсатган бир қатор прокуратура ходимлари тегишли тартибда тақдирландилар. Ҳайъат мажлисида Республика Бош прокуроринг ўринбосари Ниғматулла Йўлдошев иштирок этди.

Музаффар МАМАТМУРОТОВ,
Сурхондарё вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси

Ўтган ҳафта Жиззах вилоят прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда «Вилоят прокуратураси органларининг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2008 йил мобайнидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари» муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят прокуроринг ўринбосари Д.Қурбанов ахборот берди.

Кенгайтирилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроринг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов қатнашди.

Ҳайъат йиғилишида вилоят прокуратураси органларининг барча прокурор-тергов ходимлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг вилоят бошқармаси бошлиғи, ўринбосари, ҳудудий бўлимлар бошлиқлари иштирок этди.

Гулнора ҲАМРАЕВА,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Андижон вилоятида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 2008 йилги иш якунлари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят прокуроринг биринчи ўринбосари М.Эгамбердиевнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузаси тингланди. Маърузачи вилоят ҳудудида барқарор вазиятни сақлаб қолишга эришилгани ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самараси бирмунча яхшиланганини таъкидлади. Хусусан, жорий йилда қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғирлик ва безорилик жиноятлари, вояга етмаганлар орасидаги жиноятлар камайган. Вилоятда жиноятларни фош этиш кўрсаткичи, хусусан давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилиш, порахўрлик жиноятларини фош этиш фаоллашган.

Ўтган йилда тергов жараёнида прокуратура органлари томонидан 11,3 млрд. сўмлик, ички ишлар идоралари томонидан 1,9 млрд. сўмлик зарар ундирилган. Прокурорлик текширишлари жараёнида эса 438 млн. сўм зарарни ихтиёрий ундирилишига эришилиб, 19,7 млрд. сўм зарарни судларга даъво киритиш воситасида ундирилиши таъминланган.

Аммо жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мавжуд камчиликлар боис умумий жиноятлар, аёллар жиноятлари, фирибгарлик жиноятлари ўсганлиги танқид остига олиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Муҳокамада келгусида вилоятда барқарор вазиятни сақлаш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда диний экстремизмга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш муҳимлиги уқтирилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Дониёр МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси

Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан ўтган йилда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Амалга оширилган ишларни маълум маънода сарҳисоб қилиб кўриш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Фарғона шаҳар прокурори Б.Деҳқонов йиғилишда қилган маърузасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишларни таъкидлаш билан бирга, бу борадаги муаммолар, йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди.

Йиғилишда вилоят прокурори Ж.Файзиев, вилоят ИИБ бошлиғи Т.Худойбергеновлар иштирок этишди.

Кенгаш йиғилишида кўриб ўтилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Козимжон ЗОҲИДОВ,
Фарғона шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси

Назорат кучайтирилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай ҳолатларнинг юз беришига қарздорлиги мавжуд ҳамда олдиндан тўловни амалга оширмаган истеъмолчиларнинг тармоқдан узилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Устига-устак «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция» идоралари мутасаддилари томонидан иссиқхоналар, ишлаб чиқарувчи объектлар ҳамда хонадонларнинг табиий газ ва электр тармоқларига ноқонуний улаб олиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан етарли чоралар кўрилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Мисолларга мурожаат қилсак.

Қибрай туманидаги «Дарлис-Парк» ороомгоҳи ҳудудидаги, фуқаро Р.Қаюмходжаевга қарашли иссиқхонада табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланилганлиги оқибатида газ таъминоти идорасига 9,2 млн. сўм зарар етказилган. Жарқўрғон туманидаги «Лоқай-Ўрин Жўрабек» фермер хўжалиги раҳбари Х.Ўринов эса экин майдонларига сув чиқариш учун насос ўрнатиб, ўзбошимчалик билан электр энергиясидан фойдаланганлиги натижасида туман электр тармоқлари корхонасига 4,7 млн. сўм зарар етган.

Шунингдек, иссиқхоналарни табиий газ тармоғига ноқонуний улаб олишлари оқибатида, Қибрай туманида яшовчи Б.Нишонов 21,8 млн. сўм, Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Р.Файзиев 3,8 млн. сўм, Тошкент туманилик Т.Пўлатов 1,2 млн. сўм миқдорида давлатга зарар етказганлар.

Шу ўринда тегишли корхоналарнинг айрим мансабдор шахслари қўллаётган ўзига хос «ўйин»лар ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари 8,4 млрд. сўмлик дебитор қарздорликнинг фақат 2,2 млрд. сўми аҳолига тегишли эканлигини била туриб, 6,2 млрд. сўмлик электр энергиясини ҳисоботларда аҳоли ҳисобига қўшиб кўрсаттанлар.

Пахтакор туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари ҳам ўзбилармонликда жиззахликлардан қолишмай деб, дебитор қарздорликнинг ҳисобот ҳужжатларини сохталаштириб, фермер хўжаликларидан ундирилиши лозим бўлган 891,8 млн. сўм қарздорликни аҳоли ҳисобига нотўғри киритганлар.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тан олиш керак, қарздорликларнинг бу даражага етишида «Ўздавэнергоназорат» ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция» идоралари томонидан маҳаллий ҳокимликлар, электр энергияси, табиий газ таъминоти идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмагани ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳеч бир қонунбузилиш ҳолати ёки жиноят жазосиз қолмайди. Хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслан, давлат манфаатларига моддий зарар етказган 12 нафар вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, 69 нафар туман(шаҳар) ҳокимлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, 258 нафар банк ва солиқ идораларининг раҳбар ходимлари моддий жавобгарликка тортилиб, уларнинг иш ҳақидан ундирилган 137,2 млн. сўм етказилган моддий зарарни қоплашга йўналтирилди. Ўзларига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган қатор туман ва шаҳарларнинг газ таъминоти идоралари раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Бугунги кунда прокуратура органлари томонидан қарздорликни ҳамда қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларда ишчи гуруҳлари тузилиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ишчи гуруҳлари томонидан олиб борилган тушунтириш ишлари ҳамда прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш натижасида истеъмолчилар томонидан жорий йилнинг декабрь ойида электр энергияси учун 182,5 млрд., табиий газ учун эса 82,2 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Бектош САЙИПОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ҚОНУНБУЗАРЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тўрткўл туман бўлими томонидан 2008 йил давомида жами 33 та текшириш ўтказилиб, 32 та жиноят иши қўзғатилди. Маъмурий ишлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан 525 минг сўм жарима қўлланилиб, тўлиғича, қўзғатилган жиноят ва маъмурий ишлар натижасида 188 млн. 33,1 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 96 млн. 791,2 минг сўми, қўлланилган 50 млн. 978 минг сўм молиявий жаримадан 13 млн. 810,5 минг сўми ундирилди.

Афсуски туманимизда чет эл валютасини ноқонуний равишда олиб-сотиш билан шуғулланаётган ҳуқуқбузарлар ҳам учраб турибди. Жумладан, фуқаро Ҳ.Исмаиловнинг аризасига асосан Тўрткўл туманида жойлашган Тўрткўл чойхонасида ўтказилган тадбирда фуқаро И.Балтабаева Ҳ.Исмаиловга 60 минг 300 Россия рублини 3 млн. 437,1 минг сўмга сотаётган вақтида ходимларимиз томонидан ушланган.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги «Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тезкор тадбир олиб борилганида Тўрткўл туманида яшовчи фуқаро Р.Бабаджанова фуқаро Р.Саидовга сиғими 1,2 литр ҳажмдаги 40 баклашка спиртни 300 минг сўмга сотган вақтда ушланган. Унинг уйи кўздан кечирилганида яна 266 баклашка спирт борлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Қишлоқхўжаликсимё» ҲЖ Тўрткўл туман филиалига қарашли 8-сонли шахобча омбор мудири Р.Атажанов жавобгарлигида бўлган, жамиятнинг Тўрткўл филиалидан олинган минерал ўғитларнинг ҳақиқий қолдиғини бухгалтерия ҳужжатлари асосида солиштириш йўли билан ҳисобкитоб қилинганда ҳам бир қанча қонунбузарликлар ошкор бўлди. Жумладан, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри «Аммафос» АЖдан олинган минерал ўғитнинг бухгалтерия ҳисоботи бўйича физик миқдори 68450 кг.ни ташкил қилиши керак бўлса-да, текширишда шахобча омборида физик миқдори 67259 кг. минерал ўғит борлиги маълум бўлди. 1191 кг. 251 минг 668 сўмлик минерал ўғит растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилинганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Аллаёр АСМАТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тўрткўл туман бўлими бошлиғи

САВОБ ИШЛАР КЎПАЙСИН!

«Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш — ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир», деб таъкидлаб ўтган эди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ёшларимизнинг таълим олишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2008 йил — Ёшлар йилида ҳам ана шундай кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ташаббуси билан янги йил байрами арафасида республика туман ва шаҳар прокуратуралари, Ички ишлар вазирлиги бўлимлари ҳамкорлигида савоб ишга қўл урилди. Республикамизда уй шароитида ўқитилаётган 1375 нафар ногирон болаларнинг уйларига борилиб, уларга ўқув шароитларини яхшилашда зарур бўлган ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ва бошқа совғалар топширилди.

Айниқса, Шуманай туман прокуратураси ходимлари компьютерлар, Беруний туман прокуратураси ходимлари доска ва парта каби совғалар билан ногирон ўқувчиларнинг уйларига кириб борганлари болалар қувончига қувонч қўшди. Бундай тадбирлар Республиканинг барча туманларидаги чекка қишлоқ ва овулларида ҳам амалга оширилди.

— Ёшларга, айниқса ногирон болаларга бўлган диққат-эътиборни янада кучайтираверамиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Музаффар Курбонбоев. — Уларнинг ҳам доимо шоду хуррамликда яшашга ҳақлари бор. Зеро, бола кулгуси дилларга чароғонлик бахш этади.

Ўз мухбиримиз

Истамбибининг «истаги»

Одатда аёлни фаришгага, она меҳрини қўёшга, қалбини дарёга менгзаймиз. Уларни ҳеч қачон ёмон аҳволда кўришни хоҳламаганимиздек, улар қўлидан салбий ишлар келишини ҳам хаёлимизга келтиролмаймиз. Минг афсуски, беш бармоқ баробар эмас, улар орасида ҳам виждонини сотган, ҳаром-харишдан ҳазар қилмайдиган аёллар кам бўлса-да учраб турибди.

Ургутлик Истамбиби Хурсандова оилалик, 5 нафар фарзандининг онаси эди. У нафс балосига гирифтор бўлиб, гиёҳвандлик воситалари билан савдо қилишни ўзига касб қилиб олди. Истамбибига «тижорат»нинг шу тури маъқул келиб, «иши» юришгандан юришиб турган бир пайтда қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинди. Оқибатда Туркманистон Республикаси Тошовуз туман судининг 2004 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра Истамбиби Хурсандова 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Кўп ўтмай Туркманистон Республикасининг ўша йил октябридаги Амнистия тўғрисидаги Қарорига асосан жазодан озод қилинди.

Бу Истамбиби учун ҳаётий сабоқ бўлиши керак эди. У қилмишини ақл тарозисида тортиб кўриб, оиласи бағрида, беш нафар фарзандларини ардоқлаб, тинчгина ҳалол меҳнат қилиб яшаши лозим бўлсада, буни хушламади. Истамбиби яна жиноят кўчасига кирди. У 2008 йил 10 июлда Туркманистон Республикасида яшовчи Инохон ва Сахатбой исмли шахслар билан ўзаро тил бириктириб, кўп миқдордаги героинни контрабанда йўли орқали Туркманистон Республикаси ҳудудига ўтказиш мақсадида режа тузишади. Унга кўра 2008 йил 17 июль куни Ургут тумани «Чеп» қишлоғидаги бозорда тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Жаҳонгир исмли номаълум шахсдан 421,1 граммга тенг героиннинг ҳар бир граммини 9000 сўмдан, жами 3 млн. 789 минг 900 сўмга сотиб бериш шарти билан олди.

Уни ўзи яшайдиган ҳовлисига келтириб, олма дарахти остига кўмиб қўйди. Орадан тўрт кун ўтгач у синглиси Назира билан учрашиб, унга, «Тошкент шаҳрида яшовчи қизинг Зебинисонинг уйига бориб келайлик», дейди. Синглиси пули йўқлигини рўкач қилганда, унинг учун ҳам ўзи тўлашини билдиради. Опа-сингил йўлга отланишади. Истамбиби олма дарахти остидаги «героин»ни ҳам олишни унутмади...

Улар 21 июль куни соат 14.00 ларда Каттақўрғон шаҳридаги автобус бекатидан 2 дона «Самарқанд нони» харид қилиб, уни заҳарли қотил яширилган пакетга солишди. Гўёки бундай «маскировка» билан қонун посбонлари нигоҳини чалғитмоқчи бўлади. Сўнг улар бекатда «Тошкент-Манғит» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобус ҳайдовчиси билан келишиб, Беруний туманигача боришни ражалаштиришди.

Истамбиби героинни сотиш орқасидан келадиган мўмай даромадни кўзлаб, хаёлан осмону фалакка парвоз қилиб, манзил томон ошиқарди. Бироқ, у автобус илгарилагани сайин Ғиждувон туманидаги «Сармижон» йўл-патруль хизмати масканида қонун ҳимоячилари ноқонуний ишларга чек қўйиш учун ҳушёр ва шай туришганини билмасди. Ниҳоят, автобус тўхтатилиб, милиция ходимлари томонидан йўловчиларнинг фуқаролик паспортлари текширила бошланди. Шунда Истамбиби Хурсандова ўтирган ўриндиқ остидаги «сирли» пакет қонун нигоҳидан четда қолмади. Оғуруш ниятига етолмади...

Ҳукм ўқилди.

Судланувчи Истамбиби Хурсандова Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У ўта хавфли рецидивист деб топилиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди.

Суднинг қора курсисида ўтирган 41 ёшли Истамбиби Хурсандова ўз қилмишидан пушаймон. Аёлнинг кўз ёшлари бетизгин. Унинг атрофини ўраган фарзандлари она меҳридан мосуво бўлишади. Энди фарзандлар ҳаётидаги кемтиклик, қалбидаги соғинч ҳиссини ким қондиради? Боз устига улар руҳиятининг синишини ким тузата олади?

Худди шу лаҳзада ўйга чўмиб кетамизу, яна бир ҳақиқатдан беихтиёр ҳушёр тортамиз.

Истамбиби Хурсандова эсли ҳушли инсон, бир оиланинг бекаси, беш фарзандининг онаси бўла туриб, гиёҳвандлик моддалари етиштириш, ўтказиш, сотиш билан шуғулланди. Неча-неча оилаларнинг барбод бўлиши, бегуноҳ ёшларнинг ногирон туғилиши, тирик етим бўлиб қолишига сабабчи бўлди. Нахотки, у мана шулар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган бўлса?

Табиатдаги мутаносиблик занжирга ўхшайди. Унга меҳр кўрсатсанг, меҳр олласан. Эзгулик учун чўзилган қўлларга яхшилик қайтади. Шуни унутмайлик, азизлар.

Давлат СОИБОВ,
Бухоро шаҳар прокуроринг ёрдамчиси

СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Мана, янги йилни ҳам кутиб олдик. Ушбу санани нишонлар эканмиз, албатта, ўтган йил мобайнида қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қиламиз. Ўз ишимизга танқидий баҳо бериб, олдимизга қўйган мақсадларга етишда нималарга эришдигу нималарга эриша олмадик, бунга нималар халақит берганини таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқарамиз.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида адолат тамойилларига асосланган демократик давлат қуришдек эзгу мақсад мужассам, десак янглишмаган бўламиз. Шу билан бирга, аҳоли манфаатини кўзлаб чиқарилаётган қонун, қарор ва фармонларнинг моҳиятини фуқароларга тушунтириш, тарғиб қилиш ва норматив ҳужжатлар ижроси ҳақидаги ахборотни кенг жамоатчиликка етказишда ҳуқуқий нашрларнинг аҳамияти ва ҳиссаси беқиёс. Ўтган йили ҳам кўплаб қонунларимизга давр талабидан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Уларни халққа етказишда ОАВ имкониятидан кенг фойдаланилди. Жумладан, «Huquq» газетасининг деярли ҳар сонида прокуратура ходимларининг соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги мақолалари чоп этиб борилди.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари даврий нашрлар ҳамда махсус адабиётлар чоп этиши мумкин» дейилган. Шунга кўра, 1997 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят прокуратуралари муассислигида ўндан ортиқ ҳуқуқий газеталарни нашр этиш йўлга қўйилди. Илгари мутахассислар камлиги сабабли турли мавзуларни ёритишга мажбур бўлган «универсал» журналистлар соҳага ихтисослаша бошлади. Ёритмоқчи бўлган соҳасини яхши билмаган журналист, албатта, қизиқарли материал тайёрлай олмайди. Чунки у соҳа ичига чуқур кириб боролмайди. Ҳуқуқий мавзуда ёзишнинг эса ўзи бўлмайди. Қонун тили шундай тилки, бу мавзуда ёзиш учун ҳар бир сўзни чуқур мулоҳаза қилиб, ўз ўрнида ишлатиш лозим бўлади. Акс ҳолда мақола мазмуни ва мақсадига путур етади. Ҳуқуқий мавзуда ёзилган хоҳ таҳлилий, хоҳ танқидий мақолада камчилик ёки чалкашликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий нашрларнинг кўпайиши ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналистлар сафи шакллашишига сабаб бўлди. Журналистларнинг профессионал маҳорати ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Олий ўқув курсларида ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда, бу курсларда кўпгина ёш журналистлар ўз ҳуқуқий билимлари ва малакасини ошириб бормоқда.

Ҳуқуқий нашрларимизда фаолият кўрсатаётган журналистлар ва прокуратура ходимларининг аксарияти ўтган йили юқорида қайд этилган талаблар даражасида ижод қилишга интилдилар. Қашқадарё вилоят прокуратурасининг «Адолат кучи» газетаси бош муҳаррири Норбўта Ғозиев журналистларнинг касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан Ўзбекистон Республикаси Журналистлари иҳодий уюшмаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг фаол журналисти – 2007» кўрик-танловида қатнашиб, рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. «Huquq» газетаси таҳририяти томонидан ҳар йили ўтказилаётган «Мустақиллик ва ҳуқуқ» анъанавий кўрик-танлови ҳам ҳуқуқий мавзуда ёзадиган қаламкашлар учун ўзига хос ижодий имтиҳон вазифасини ўтамоқда. Жумладан, бу йилги танловда «Конституция – менинг тақдиримда» рукни бўйича Норбўта Ғозиев, «Қонун ва шарх» рукни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари Дилшод Каримов, «Ёшлар ва ҳуқуқ» рукни бўйича Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Эркин Усмонов, «Жиноят ва жазо» рукни бўйича Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Мираглам Мирзаевлар асосий мукофотга сазовор бўлдилар.

Матбуот оммасининг тафаккурини шакллантираги. Шундай экан, овозимиз оммага етиб боришига, машақкатли меҳнат маҳсули бўлган газета аҳолининг асосий қисмини қамраб олишига эришишимиз даркор. Чунки мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ишда тасодифий, кам сонда чоп этиладиган газеталар билан мақсадга эришиб бўлмайди. 2009 йилнинг 1 январидан Республика Бош прокуратурасининг нашри — «Huquq» газетаси 30 мингга яқин нусхада чоп этилаётгани, Наманган вилоят прокуратураси муассислигидаги «Диёнат», Сирдарё вилоят прокуратурасининг «Адолат кўзгуси», Фарғона вилоят прокуратурасининг «Адолат йўли», Қашқадарё вилоят прокуратурасининг «Адолат кучи» газеталарининг адади 10 минг нусхадан ошганлиги бу нашрлар тобора оммавийлашиб, чинакам халқ минбарига айланиб бораётганлигидан дарак беради. Қайси бир туманда қонунлар тарғиботи яхши йўлга қўйилса, ўша жойда жиноятчилик камаяди.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом «Тақдирни қўл билан яратур одам» дея башорат қилган эди. Буюк шоиримизнинг илҳомбахш сўзларига қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, сиёсий озод инсонгина ўз тақдирини яратиш имкониятига, фикри озод киши эса ўз тақдирини яратиш қудратига эга бўлади. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейингина мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этиш имкониятига эришдик ва унинг буюк келажагини яратиш мақсадида собитқадамлик билан олга бораяпмиз.

Светлана ОРТИҚОВА,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

Эртамиз эгаларига имконият

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга катта эътибор берилмоқда. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб аталиши ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар фикримизнинг яққол далилидир. Яқинда Чилонзор туман прокурорининг ўринбосари Мирза Қаҳҳоров билан учрашганимда ҳам гап айланиб шу мавзуга тақалди.

— Ёш авлоднинг ҳаёти ва маънавиятидаги ижобий ўзгаришлар ҳамда янгиланишларда таълим-тарбиянинг ўрни бебаҳолиги бор гап, — дея гап бошлади Мирза ака. — Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билимларни эгаллашлари учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имконият-у қулайликларни кўриб ҳавас қилади киши. Сўнгги йилларда бу борада мисол тариқасида ўтган йили туманимизда фаолиятини бошлаган марказни айтишим мумкин. Бу ерда бир ярим мингдан ортиқ бола турли тўгаракларга қатнаб, ҳунар ўрганаяпти десам ишонасизми? Ҳа, ҳа, бир ярим мингдан ортиқ. Бу рақам битта мактаб ўқувчилари сонидан ҳам кўпроқ. Бу дегани шунча бола вақтини беҳуда ўтказмайди, касб-ҳунар ўрганади. Устига-устак, тўгаракларнинг ҳаммаси бепул...

Хуллас, Мирза аканинг тавсияси билан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Сайёдбек Жумабоев ҳамроҳлигида марказ томон йўл олдик. Йўлда Сайёдбек туманда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалари ҳақида ўртоқлашар экан, марказ билан ҳамкорликка ҳам тўхталди.

— Марказ директори Тоҳир ака ўта фидойи, ташаббускор одам. Доимо болаларнинг бўш вақтларини унумли

қилинган ишларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Бунга анчагина мисоллар келтириш ҳам мумкин. Масалан, болаларнинг қобилияти ва интилишларини қўллаб-қувватлаб, иқтидорларини намойиш қилиш мақсадида ташкил қилинган жамғармаларни олинг. Ҳаракатлари ва ғояларини рағбатлантириш учун жорий этилган грантлар, стипендияларни айтмайсизми?!

Замонавий типда қурилаётган мактаблар, лицейлар-у коллежларни кўриб кўз қувонади. Ҳаммаси болаларимиз учун. Узоққа бормайлик, ўтказишига, шу баҳонада бирор ҳунарли бўлишига ҳаракат қилади. Биз ҳам тумандаги қаровсиз, милиция рўйхатида турувчи ёмон хулқли болаларни марказга таклиф қилиб, учрашув ўтказишни режалаштириб қўйдик. Йўлини тополмай юрганлардан анчагинаси шу баҳона бирор касб ёки ҳунарли бўлиб қолса ажаб эмас...

Марказ директори Тоҳир ака Пайзиев жўшқин табиатли одам экан. Унинг баланд овозда, қуйиб-пишиб гапиришини эшитар эканман, беихтиёр ўқувчилик пайтларимни, она тили ўқитувчимиз Муслим акани эсладим. У киши ҳам дарс ўтиш жараёнида ҳаяжон билан, қўлларини ҳавода силкитиб сўзлар, касбига ўта фидойилик билан ёндашар эди.

Тоҳир ака хонасига бошлар экан, йўл-йўлакай қуйидагиларни гапириб берди:

— Илгари бу бинода ўқув ишлаб-чиқариш комбинати жойлашган эди. 1993 йилда эса юқори синф ўқувчиларининг мактабларо ўқув техник марказига айлантирилди. Тумандаги бир неча мактабнинг 8-9 синф ўқувчилари бу ерга меҳнат дарси ҳисобидан келишар эди. Камина ўша пайтда директор ўринбосари вазифасида иш бошлаганман. Маълумки, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш умумий ўрта таълим жараёнида амалга оширилувчи асосий педагогик вазифалардан ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад эса уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, жамиятда мавжуд касб-ҳунарлар тўғрисида назарий ва амалий маълумотлар бериш, аниқроғи, уларда маълум касб борасида дастлабки кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, мактабдан ташқари таълим муассасалари халқ таълими тизимининг таркибий қисми ҳисобланганлиги боис, унинг асосий вазифаси ўқувчиёшларга қўшимча таълим ва тарбия бериш билан бирга, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишни ҳам ўз ичига олади. Шуларни ҳисобга олган туман халқ таълими бўлими ҳамда туман ҳокимлиги кўмагида 2008 йилнинг август ойида марказимизда «Ўқувчилар техник ижодиёт маркази» мақомига эга бўлди. Бугунги марказнинг илгаригисидан фарқи шундаки, ҳозир 6 ёшдан 18 гача бўлган ёшлар келиб, турли тўгаракларда ҳунар ўрганишлари мумкин. Улар асосан авточилангарлик, токарлик, наққошлик, тўқувчилик, сартарошлик, дурадгорлик, радиомеханик, тикувчилик, пазандалик, эстрада ва театр, моҳир қўллар, ҳисобчилик, зардўзлик ва бошқа тўгараклардир. Айтмоқчи, яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчи эдим, жами машғулотлар бепул олиб борилади. Бу ҳам ҳукуматимизнинг ёшларга бўлган гамхўрлигининг бир ифодасидир.

Шундан сўнг Тоҳир ака бизни машғулотлар ўтказилаётган хоналарга бошлади. Каминани ҳайрон қолдирган жиҳат, гарчи ўша куни мактаб ўқувчиларининг таътил пайти бўлсада, тўгараклар болалар билан гавжум эди. Биринчи кирган хонамизда ўн чоғли қизалоқ бисер тикиш билан шуғулланиб ўтиришибди. Уларнинг матога турли рангдаги бисер тақинчоқларини моҳирлик билан қадаб, ўзига хос санъат асарлари яратаётганларини кўриб ҳавасим келди. Бошқа хонада эса 9-10 ёшли қизлар тўқувчилик билан машғул эканлар. Қизчалардан бири бошидаги қалпоқчани кўрсатиб, ярим кунда тўқиб қўйганини болаларча фахр билан айтса, яна бири пуллик бир марказга уч ой қатнаб ҳеч нарса ўргана олмаганини, бу ерда эса икки ойга қолмай, болалар жемферини ҳам тўқишни ўрганиб олганини гапириб берди. Кейинги хонага кирамиз. Бу ерда ўн ёшдан балоғат ёшигача бўлган болалар ҳисобчилик ихтисоси бўйича таълим олишаётган экан.

— Бу йигит собиқ ўқувчимиз бўлада 30 ёшлардан ошган бир аёл ҳам қабул қиласизларми деб келибди. Машғулотлар ҳафтада икки марта ўтказилади. Бир йил ўқитамиз.

Хонадан чиқар эканмиз, Тоҳир ака йўлакда турган икки киши билан таништирди:

— Нусрат ака тасвирий санъатдан, Қодир ака эса филиалимизда нақ-қошлик ва ёғоч ўймакорлигидан дарс беришади. Айтмоқчи, Қодир ака Республика Бадиий академиясининг аъзоси. Шогирдларини ҳам шунга мос қилиб тарбиялаяптилар...

Марказдан қайтар эканмиз, беихтиёр Тоҳир аканинг қуйидаги гапи ёдга тушди: «...мактабдан ташқари таълим бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш билан бир вақтда, уларга келажакда ўз ўринларини топишлари учун имконият яратиш, қизиқишлари ва эҳтиёжлари асосида замонавий ва миллий йўналишдаги ҳунар сирларидан бошланғич сабоқ бериш, натижада ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишига замин яратиши лозим» Дарҳақиқат, Тоҳир акага ўхшаш ўз касбининг фидойилари бор экан, бу ниятнинг амалга ошишига шубҳа қолмайди.

Ғофуржон АЛИМОВ,
«Huquq» мухбири

МУВОЗАНАТ ТАРОЗУСИ

Инсон табиат фарзанди. У табиат гўзаллигидан баҳра олади, унга меҳр кўяди. Табиат ҳам ўз навбатида инсондан саҳоватини аямайди. Уни боқади, кийинтиради, сабзавор, баҳаво кенгликлари бағрига чорлаб, куч-қувват, ризқ-рўз бахшида этади.

Табиат ва инсон муносабатлари аниқ меъёр асосига қурилганлигини унутмаслик керак. Бу мувозанат бузилмаслиги учун инсон ҳамиша табиатни асраб-авайлаб, табиий бойликларни кўпайтириб бориши шарт. Хўш, вилоятимиз маркази — Қарши шаҳрида бу борада аҳвол қандай? Табиат муҳофазаси бўйича қандай ишлар қилинаяпти?

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Қарши шаҳри энига ҳам, бўйига ҳам ўсди. Шаҳардаги замонавий шаҳарсозлик ва миллий меъморчилик асосида қурилган иморатлар, кенг кўчалар, обод хиёбонларни кўрган кишининг кўнгли яйрайди. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи ва шаҳардаги Болалар боғидаги шовиллаган дарахтлар, гулу гулзорларни кўрган кишининг кўзи қувнайди.

Ҳар йили қиш мавсуми олдидан вилоят ҳокими «Вилоятда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш уч ойлиги ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилади. Бундан мақсад ҳар бир манзилни обод-ораста, озода, яшил гўшага айлантиришдир. Шунга асосан воҳамизда ҳар йили қенг кўламда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳар йили қанчадан-қанча мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилади. Агар уларнинг ҳаммаси тутиб кетганида эди, яшил бойлигимиз беҳад кўпайган бўларди. Афсуски, экилган кўчатларнинг аксарияти қаровсизликдан қуриб кетмоқда. Зеро, меҳр-муҳаббат ва эътибор инсонга қанчалар керак бўлса, ниҳоллар учун ҳам шунчалар зарур.

Вилоят ҳокимининг 2008 йил 5 сентябрдаги фармойишига асосан Қарши шаҳрида яшил зоналар барпо этиш мақсадида 259 минг 700 дона, жами 417 млн. 190 минг сўмлик дарахт кўчатлари ўтқазиш режалаштирилган. Ундан ташқари, аҳоли, жамоат ташкилотлари, хусусий фирмалар ва нодавлат ташкилотлар ҳамда ўқув юртлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмайди, албатта.

Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги кўкламзорлаштириш корхонасидаги мутаассиларнинг гувоҳлик беришича, улар ўтган йилнинг октябридан декабрь ойининг охиригача 154 мингта турли манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишибди. Айни кунларда ҳам шаҳарда кўчат экиш ишлари қизғин давом эттирилаяпти. Шаҳарда қанча дарахт борлиги билан қизиққанимизда улар «биз дарахтларни уч ёшгача тарбиялаб, кейин Қарши шаҳар ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш идорасига топширамиз» дейишди. Улар айтган идорага борсак, биз шаҳарнинг тозалиги билан шуғулланамиз, дарахтлар бизни қизиқтирмайди, дейишди. Хуллас, шаҳардаги дарахтларнинг ҳақиқий эгасини тополмадик.

Юқорида қайд этилган рақамлар ҳар йили ўтқазиладиган кўчатларнинг маълум қисмигина тутиб, қолгани қуриб кетаётганидан далолат бериб турибди. Ахир, бунинг учун қанча маблағ, меҳнат сарфланган эди-ку?! Ён-атрофимиздаги дарахтлар ва бошқа ниҳолларга бизнинг парвариш-эътиборимиз зарурлигини ўйлаб ҳеч кўрганмизми? Бепарволигимиз оқибатида ота-боболаримиз экиб кетган юзлаб турдаги дарахтларга озор етди.

Аждодларимиз шифобахш ўсимликлардан тортиб, мевали-мевасиз дарахтларгача, барчасини эҳтиётлаб келган. Уларни парваришлаб, янгиянги навлар етиштирган. Қаҳратон қишда ҳам дастурхонимизда жийда, тутмайиз, туршак, олча қоқи, узум ва тут шинниси бўларди. Ҳўлу қуруқ мевалар сероблиги боис дўкондан ширинлик сотиб олишга ҳожат қолмасди.

Табиат қанчалик бой ва сержило бўлса, ҳаётимиз ҳам шунча гўзал ва фаровон бўлади. Негаки, табиат биз учун моддий манба бўлиши билан бирга, қалбимизни гўзал ҳисларга ошно этувчи, илҳом бағишловчи бебаҳо туйғулар манбаи ҳамдир. Шу сабабли табиатни муҳофаза қилиш соҳасига давлат сиёсати даражасида катта аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан атроф-муҳит муҳофазасига доир кўплаб қонунлар, Фармонлар, қарорлар қабул қилиниши, норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари иш фаолиятининг янада юқори савияга кўтарилишига имкон яратди. Мамлакатимиз 1993 йилда Озон қатламини асраш бўйича Вена конвенцияси ва Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал протоколга қўшилди. Ўтган йили Ўзбекистон экологик ҳаракати «Экоҳаракат» сифатида расман ташкил топди ва унинг ижроия қўмитаси ҳамда марказий кенгаши сайланди.

Табиат она каби сахий. Фарзанд она бағрида ором олгани каби биз ҳам табиат қучоғида яйраймиз, унинг меҳрини ҳис этамиз. Аммо табиатнинг оламжаҳон меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўла туриб ўзимиз унга қай даражада меҳр кўрсатяпмиз? Худди онамизни асрагандек асраяпмизми уни? Афсуски, йўқ. Манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш мақсадида Қарши шаҳридаги корхона, ташкилот ва ўқув юртлари ҳовлисидаги кўп йиллардан буён яшнаб, мевасидан одамларни баҳраманд этиб турган дарахтлар кесиб ўтин қилинди. Уларнинг ўрнига экилган Элдор қарағайи эса ўтган йилги қишнинг қаттиқ совуғига дош беролмасдан қуриб-қовжираб қолди. Халқимизда «Бирни кессанг, ўнни эк», деган ҳикматли нақл бор. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» дея таъкидлаганлар. Афсуски, кесилган мевали дарахтлар ўрнига янгиси экилмасдан юқорида қайд этганимиздек манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Уларни совуқ уриб кетгач, ўрни ҳозирча яйдоқлигича турибди. Бу «яшил бойлигимиз» камайиб бораётганидан дарак бермайдими?!

Бундан 10-15 йил илгари Муборак шаҳри томон йўлингиз тушса, катта йўлнинг ўнг томонидаги саксовулзорларни кўриб кўзингиз қувонарди. Афсуски, уларнинг кўпи турли мақсадларда кесиб кетилди. Ўрнига эса на саксовул кўчатлари, на уруғи экилди.

Самарқандга ёки Фарғона водийсининг исталган шаҳрига бориб, катта йўллар четидаги пиёдалар йўлагидан юрсангиз, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам қуёшни кўрмайсиз, унинг тафтини унчалик сезмайсиз. Чунки йўл четидаги катта-катта дарахтлар қуёш нурини ерга туширмайди. Қарши шаҳрида ёзнинг иссиғида туриб бўлмаслигига қарамасдан йўл четидаги катта-катта дарахтларга қирон келтирилиб, ўрнига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Орадан неча йил ўтиб, мазкур кўчатлар катта дарахт бўлганида ҳам қуёшдан тўсадиган соя бермайди. Бу баҳор, куз ва қиш ойларида яхшидир. Чунки кўчанинг атрофлари яққол кўринади. Аммо ёзнинг жазирамасида соя берадиган дарахтларни кестириб ташлашга ҳожат бормиди, деган савол тилимизнинг учида айланаверади.

Чироқчининг чўлдаги қишлоғида туғилиб ўсганман. Чўлдаги ғалла майсалари оралиғининг ҳар-ҳар жойига бир неча қатор қилиб ихота дарахтлари экиларди. Улар ёзнинг жазирама кунларида ҳам яшнаб туриши билан бирга, ғаллани гармселдан, тупроқни эррозиядан сақларди, чўпон-чўлиқларнинг бошига соябон эди. Вақт ўтиб, бу жойларга ҳеч ким кўчат экмади, борларини парваришлашни ўйлайдиган мард ҳам топилмади. Аксинча уларнинг кўпи кесилиб кетди.

Йигирманчи аср бошларида биосфера ҳақидаги фанни кашф этиб дунёга танилган академик Вернардский «Инсоният табиат муҳитини бузувчи, ўзгартирувчи, қайта тузувчи улкан геологик кучга айланади!» деган экан. Не ажабки, вақт ўтиб, ушбу башорат ўз тасдиғини топди. Йиллар давомида табиатга етказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам жазоламоқда. Олимларнинг таъкидлашича, музлаттич техникасидан фойдаланиш, ўт ўчириш, суғориш иқлим ҳосил қилиш, саноатда хлорфтор углеродлар туркумига кирувчи кимёвий моддаларни ишлатиш озон қатламини емирилишига сабаб бўлади. Озон қатлами тобора юпқалашмоқда. Озон қатлами аслида қуёшдан тараладиган ультрабинафша нурларни ушлаб қолувчи тўсиқ ҳисобланади.

Демак, мутахассисларнинг фикрича, табиатни кимё саноати чиқиндилари ва заҳарли газлардан сақлашимиз, сув, ҳаво ва тупроқ, олтингугурт бирикмаларидан ифлосланишининг олдини олишимиз зарур. Шундай экан, гап яна дарахтларга бориб тақалади. Чунки дарахтлар ёзда соя-салқинлиги, кузда мева беришидан ташқари, йил бўйи бизни чанг ва ғуборлардан сақлайди. Бир туп дарахт бир суткада уч киши учун зарур бўлган оксигенни қайтариб берар экан. Бир гектар ердаги ўрмон эса бир кечакундузда 230 килограммгача ҳажмдаги карбонат ангидридни ўзига «ютиб», 200 килограмм ҳаво оксигенини ажратади. Бир гектар майдондаги игна баргли дарахтлар бир йилда 40 тоннага яқин, япалоқ баргли дарахтлар эса 100 тоннагача ҳаво чангини ушлаб қолади.

Шунингдек, ер ости сизот сувларининг кўтарилиши Қарши шаҳридаги тарихий обидаларнинг яшовчанлигига салбий таъсир этиш билан бирга, кўплаб кўчат ва дарахтларнинг қуриб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун сизот сувларининг сатҳини пасайтириш мақсадида вертикалқудуқларни таъмирлашга аҳамият бериш керак.

Ёш авлодни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни тегишли ўқув қуроллари, экологик адабиётлар билан таъминлаш, экологик бурчак ва экологик музейлар ташкил этиш даркор. Токи, фарзандларимиз ўзларини табиатнинг бир бўлаги эканликларини ҳис этиб, она табиатга ошно бўлиб улғайишсин.

Тошкентдан келган ҳамкасби ўзи билан бирга экспертиза натижаларини ҳам олиб келган экан. Уларни синчиклаб ўрганишди. Қотилликни бунчалар тошбағирлик билан амалга оширилганидан ўзига келолмаётган терговчи ҳамкасбига деди:

— Шунчаликка боришига фақат пул сабабчими? Хусумати йўқмикин?

— Хусумат нима қилади уларда? — Елкасини силади ҳамкасби. — Бири иш берувчи бўлса, бири мардикор бўлса... Агар руҳий хаста бўлмаса...

Тиббий текшириш Тавбойнинг руҳий соғлом эканини тасдиқлади.

Судда Тавбой ҳеч қайси айбини рад этмади. Терговда нима айтган бўлса, ҳаммасини ипидан-игнасигача айтиб берди.

— Мени кечиринглар, тавба қилдим, ёшлик қилдим, — бирдан ерга ётиб йиғлади у. — Қилган ишимдан пушаймонман.

Тавбойнинг овози борган сари майинлашарди:

— Майли нима десанглар бажараман, тош кес десанглар тош кесаман, фақат раҳм қилинглар, ёш жонимга шафқат қилинглар.

— Тавба, — деди суд маслаҳатчилардан бири. — Кўзимга ёш келибди-я илтижосидан. Қаттиқ кетвормадикмикин?

— Тимсоҳ-ку бу, — деди котиб. — Билмадим, тўғрими ёки нотўғрими, аммо айтишларича, тимсоҳ ҳам қорни очганда боласини еб қўйиб, кейин йиғлар экан. Бунақа кўз ёшларга алданиш керак эмас. Тимсоҳ йиғиси бу...

Ҳукм ўқилди.

Тавбой уни юзида биронта ўзгаришсиз қабул қилди.

Фақат залга қараб онасини қидирди. Топди. Бошини чайқаб, зорланиб қўйди:

— Она, онажон, онажоним-а...

...Бир хонадондан беш майитнинг тобути чиқди. Бу мусибатга чидолмаган Диёра дардга чалинди. Марҳумлар хотирасини ёд этиб, қилинган эҳсонда имом-хатиб дард билан сўзлади:

— Эй, мўминлар! Тилингиздан Аллоҳни қўйманг, шукурни қўйманг. Қалбингизни ғараздан, ҳасаддан ҳоли тутинг. Бугун хотирасини ёд этаётганимиз беш кишини ҳалок этган нарса балои нафс бўлди. Шайтонга ҳай беринг, азизлар. Бу дунёга ҳаммамиз бахтли яшаш учун келганмиз. Унутманг, жонни бизга Аллоҳ берган, уни фақат Аллоҳ олади.

Ҳирсдан, у қандай кўринишда бўлмасин, сақланинг. Шунда дилингиз оромда, жонингиз омонда бўлади...

(Тамом).

«ОҚ АЖАЛ» СЎҚМОҒИ

Кечки пайт у ишдан келиб учинчи қаватдаги эшик қўнғироғини чалди. Ўғли чиқавермагач, ўзининг калитида қулфни очиб, уйига кириб борди. Балконда Валижон беҳуш ётарди. Ёнида игна. «Тағин ўзига укол қилибди». Юзларига шапатилади, елкасидан силтади. Жон асари йўқ. Аёлнинг эсхонаси чиқиб, «тез ёрдам» чақирди. Жонлантириш бўлимидан чиқиб келган врач, «бўлмади» деди. «Жуда катта доза қабул қилган экан». Онаизор дод солди. Қизини турмушга берган, «йигирма бир яшар ўғлимни уйлаб қўйсам, ёнимга кириб, оғиримни енгил қилса», деган умидда яшаётган аёлнинг фиғони фалакни титратди. Ўзининг билагига игна санчаётганини билган заҳоти даволашга ётқизмагани учун афсус-надомат қилди. Жигарбандини «оқ ажал» сўқмоғига етаклаган, гиёҳвандлик дардига мубтало қилиб, умрига зомин бўлган оғуфурушларни лаънатлади.

Бу каби фожиаларнинг олдини олиш, «оқ ажал» савдосини таг-томири билан қуритиш ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Ўтказилаётган тадбирлар натижасида Фарғона вилоятида яширинча гиёҳванд моддали ўсимликларни етиштириш, уларни тайёрлаб ўтказиш жиноятларининг пайи қирқиляпти. Ушбу жиноятга қўл урганлар фош этилиб, тавбасига таянтириляпти. Қўшни мамлакатлардан юртимизга гиёҳвандлик моддаларни олиб ўтиб, пуллашни йўлга қўйишга уринган жиноий гуруҳлар қўлга олиниб, қилмишига яраша жазоланмоқда. Яқинда ана шундай уюшган жиноий гуруҳ аъзоларига суд ўз ҳукмини ўқиди. Вилоят ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари моҳирона ўтказган тадбирда нафақат жуда кўп миқдорда героин моддасини сотишга уринганлар, балки уни чет элдан етказиб берган жиноятчилар ҳам қўлга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яна шуниси эътиборга моликки, фуқаролар кўз ўнгида содир бўлаётган жиноятга бефарқ қарашмаяпти. Ҳуқуқ-тартибот органларини режалаштирилаётган жиноий қилмишдан бохабар этиб, наркодилерларни фош этишга кўмаклашишяпти. Фуқаролик бурчларини адо этишмоқда.

Ўтган йил сентябрь ойи бошларида фуқаролардан бири вилоят ИИБга учраб, ўзига героин сотиб олишни таклиф қилаётганларини баён этди. Республика Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБ ходимлари жиноий гуруҳни қўлга олиш учун назорат-харид тадбирини ўтказишга киришишди.

* * *

Андижоннинг Қўрғонтепа туманидаги Савай қишлоғи Қирғизистон Республикаси билан чегарадош, чегара ортида Улуғбекнинг танишлари бор. Тез-тез чегаранинг нарёғига ўтиб, кўришиб туради. Ўтган ёз кунларининг бирида у Исабек — Ўш шаҳрининг жиноий «авторитет»ларидан бири билан учрашганида «гера» тўғрисида гап очди.

— Агар бўлса, сотиб пулини тўлардим.

— Насияга иш қилмайман, — деди Исабек. — Лекин, биронтаси сенга гарантия берса, майли.

Улуғбек шу ерлик, ўшлик оғайниси Абдуманнонни эслади. Судланиб қамалиб чиққан, Исабек билан ораларидан қил ўтмайди. Унинг телефон рақамини терди. Гапнинг индаллосини айтиб, қўл телефонини Исабекка узатди.

— Мен кафилман, — деди Абдуманнон Исабекка. — Улуғбек панд бермайди.

— Бўпти, клиент топсанг, гаплашамиз, — «авторитет» Улуғбекнинг таклифини қабул қилди.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, Улуғбекнинг акаси — Носиржоннинг қайнонаси вафот этди. Таъзияга Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманига турмушга чиққан опаси Ҳабибахон қайноғаси Отабек билан бирга келди. Холи қолганларида Улуғбек тошлоқлик қариндошига «ишдан» сўз очди.

— Битта дозасини ўн икки мингдан бераман, сиз йигирмадан пуллайверасиз.

Воситачилик эвазига миллионлаб сўм «фойда» олиш имконияти темиртерсак олиб сотиб ва фермер хўжаликларига пластмасса қувур ўрнатиб бериб бинойидай яшаб юрган Отабекнинг иштаҳасини карнай қилиб юборди. Тошлоққа қайтганидан кейин биргалашиб фермерларга пластмасса қувур қилиб бериб юрган марғилонлик оғайниси Акрамжонга гапнинг учини чиқарди. У тенг шериклик шарти билан харидор излаб топишни ўз зиммасига олди.

Қўқонлик таниши Шарифжоннинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Ака, «оқ дори» бор, пуллаворайлик.

— Телефоннинг гапи эмас бу, — дакки берди Шарифжон. — Тағин борса келмасга равона бўлманг!

— Кўришиб бафуржа гаплашайлик.

Келаси куни Шарифжоннинг ўзи Акрамга телефон қилди.

— Харидор билан гаплашдим. Тозами йўқми, синаб кўргани озгина олишади.

Акрам харидорнинг дарагини айтгач, Отабек телефонда Улуғбек билан боғланди. Улуғбек ўшлик Абдуманнон билан эрталаб соат ўн яримда Ёрқишлоқдаги чегара яқинида кўришди.

— Харидор чиқди.

Абдуманнон телефонда чегара ортидаги Исабекка «проба» дозасини олиб келишни тайинлади. У айланма сўқмоқлар орқали чегарадан ўтиб келди.

— Ана, коробкада, — деди дўнглик ёнини кўрсатиб.

— Нархи қанақа?

— Тотиб кўриш бепул. Юз грамм. «Постоянний» клиентни ўргатиб олиб, бирга ишласак, тўлайверасан. — Исабек русча-ўзбекча — қирғизча сўзларни қориштириб гапирарди. Қути ичидаги героин қора целофанга ўралган эди.

Улуғбек Отабек билан телефонда келишиб олганларидай келаси куни — 11 сентябрда йигирма бир яшар жияни Сардорни ёнига олиб киракаш «Тико» машинасида Тошлоққа жўнади. Йўл-йўлакай ҳайдовчининг қўл телефонида Отабек билан гаплашди. У «уйимда кутаман» деди.

Ҳайдовчи ва Сардор ҳовлидаги меҳмонхонада ўтирганларида иккаласи ташқарида савдолашишди.

— Харидорга кўрсатайчи, — деди Отабек.

— Бўпти, опамнинг уйига бориб турамиз.

Ҳабибахоннинг уйида Улуғбек Отабек билан қўл телефонида гаплашди.

— Юз грамм чиқди, — деди Отабек. — Ярим кило сўрашяпти.

— Авансига минг доллар беринг. Ўша пулга опкеламан. Қолган пулини кейин оббориб бераман.

— Етти юз доллар бор холос.

— Ҳа, майли. Қолганини кейин ҳисоб-китоб қиламиз.

Отабекдан етти юз долларни олгач, Улуғбек жияни билан ўша «Тико»да уйига жўнади.

12 сентябрь куни эрталаб Исабекнинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Иш битди.

— Бўпти, ҳозир бораман. Ўша жойда кўришамиз.

Улуғбек Исабекка 500 долларни берди. «Икки юзини йўл харажатларига сарфладим» деди.

— Ярим кило оламиз дейишяпти.

— Менга гарантия керак, — деди яна Исабек.

Улуғбек Абдуманнонни топди. «Агар ишончли одамлар бўлса, майли, мен гарантия бераман» деди у. Улуғбек уни беишкал пул ишлаб олишларига ишонтирди.

Абдуманнон Исабек билан телефонда гаплашди. «Дўстлик» чегара постида кўришишга келишиб олишди.

Шундан сўнг Улуғбек ҳамқишлоғи Нодирнинг машинасида жияни Сардор ва Абдуманнон билан «Дўстлик» чегара постига йўл олишди.

— Ярим килоси тозами, йўқми, аввал пробасини олайлик, — деди Улуғбек машинадан тушишгач. Абдуманнон яна Исабек билан телефонда боғланди. У чегара постидан ўтиб келди. «Проба» учун деб ялтироқ сигарет қоғозига ўралган героинни Улуғбекка берди. У машина ёнига қайтди. Отабекка телефон қилди.

— Жияним Сардордан «пробани» бериб юборяпман.

Кечки пайт яна Отабекка телефон қилди.

— «Проба» нима бўлди, — деб сўради.

— Тоза чиқди. Ҳаммасини опкелаверинг, — деди у.

— Йўлкирагаям пулим йўқ, биронтасидан 100 доллар бериб юборинг.

— Бўпти.

Бир соатларда битта «Матиз» машинасининг ҳайдовчиси сўраб-суриштириб уни Ёрқишлоқдан топди. Отабек жўнатган 100 долларни берди.

— Раҳмат, сиз кетаверинг, мен ўзим бораман, — деди Улуғбек ҳайдовчига.

Сўнгра Исабекка телефон қилди. Ёрқишлоқдаги ўша учрашган жойларида у билан кўришди.

— Ана, дўнглик тагидан ол, — деди у. — Пулини тўла.

— Пулини уч соатда опкелиб бераман, — деди Улуғбек.

Кечқурун соат тўққизларда ҳамқишлоғи Нодирнинг машинасида Тошлоққа равона бўлди. Йўл-йўлакай унга жияни Сардор қўнғироқ қилди. «Ҳалигини Отабекка бердим, келяпсизми», деб сўради.

— Йўлдаман, Отабекка бер телефонни.

— У чойхонанинг ичида. Бешболадаги чойхонадамиз. Мана, ҳозир.

Телефонни Отабек олди.

— Уйига келаверинг. Машина кутиб туради.

Тошлоққа Отабекнинг уйига етиб келганида машина йўқ эди. У ҳайрон бўлиб уйидагиларга «мен опамникида бўламан» деди. Опасининг уйига кираётиб героин солинган пакетни суви қуриган ариққа яшириб қўйди.

Опасининг уйидагилар билан сўрашиб, ташқарига чиқди. Отабекка телефон қилди.

— Ҳозир биттаси боради машинада, — деди у.

— Ўзингиз келинг.

— Бўпти, йигирма минутда бораман.

Улуғбек ташқарида стулда ўтириб кутаётган эди. «Матиз» машинаси келиб ундан тушган йигит «Улуғбек сизми» деб сўради. «Милициядан-миз» деб, уни машинага ўтқазишди.

— Героин қани? — дея машинада сўроққа тутишди.

У қуриган ариқ ичидаги пакетни олиб берди.

* * *

Фуқаро М.Абдусаломовнинг аризаси бўйича вилоят ИИБда назорат-харид тадбирининг пухта режаси тузилди. Республика ИИВ ходимлари «харидор» ролини адо этишлари, бевосита воситачи-сотувчиларнигина эмас, «таъминотчилар»ни ҳам қўлга олиш учун шубҳа уйғотмай, чўчитмай эҳтиёткорона иш кўришлари лозим эди. Сотувчи Акрам харидор М.Абдусаломовга қўқонлик Шарифжон акаси орқали ўзини «Дониёр» деб таништирганди. Шарифжон М.Абдусаломовни Акрамга рўпара қилди. У харидорлар Тошкентдан эртага келишади, деди. Шундан сўнг Акрам Шарифжон билан М.Абдусаломовни Фарғона шаҳридаги «Зиёрат» меҳмонхонасига бошлаб борди. Уларни жойлаштирганидан кейин Отабекнинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Меҳмонларни эртага кутиб оламан. Тайёрлаб қўйинг.

— Эртага вақтини айтсангиз, Жўйдамдаги автомобил ювадиган жойда кўришамиз.

Келаси куни Акрамжон «Дамас» машинасида келишилган жойга борди. Отабекдан героинни олиб, машинасининг бардачогига яшириб қўйди. Сўнгра Ёрмозорга йўл олди. Оқ «Нексия» машинасида келган меҳмонларни кутиб олди. Барваста рус йигит ва рус аёл билан машинада гаплашди.

— Холироқ жойга борайлик, — деди йигит.

Акрам «Дамас» машинасида шаҳарнинг У.Юсупов ва Баҳор кўчалари кесишган чорраҳага юрди. Ортидан «Нексия» келаётган эди. Айланма Қува йўлига юрганида «Нексия» қувиб ўтиб тўхтади.

— «Гера»ни кўрайлик аввал, — дейишди харидорлар. Бармоқларида тотиб кўришди. — Тоза экан, ярим кило оламиз.

«Нексия»да ўтириб савдолашишди. Акрам келтириб беражак ярим килограмм героинга йигирма беш минг доллар нарх қўйди. Улар 18 минг долларга туширишди. Сўнгра «сенлар машинадан тушиб тур, ўзимиз келишиб олайлик», дейишди. Акрам Шариф акаси билан меҳмонларнинг машинасидан тушиб «Дамас» ёнига бориб турганида битта «Нексия» келиб тўхтади. Ундан тушган тезкор ходимлар ўзларини таништиришди. Холислар иштирокида «Дамас» машинаси бардачогига яширилган — 54 граммдан зиёд героин моддасини ашёвий далил сифатида олишди. Шу ернинг ўзида Акрамни сўроқ қилишди. У тезкор ходимларни «Дамас» машинасида Жўйдамдаги автомобил ювадиган жойга бошлаб борди. Тезкор ходимлар Акрамни кутаётган, машинага чиқиб ўтирган Отабекни сўроққа тутишди.

Унинг кўрсатмасига кўра, Тошлоқдаги уйида Андижоннинг Савай қишлоғилик Улуғбекнинг жияни Сардор ярим килограмм героиннинг «намуна» нусхасини олиб келиб кутмоқда эди.

Хонадонга тезкор ходимлар келиб уни ҳам ҳибсга олишди. Сардор Отабекнинг уйидаги бостирма томи остига яшириб қўйган «намуна» героин нусхасини тезкор ходимларга олиб берди. Отабек каби айбига иқрор бўлиб, терговга ихтиёрий ёрдам бериш истагини билдирди. Уюшган жиноий гуруҳ етакчиси Улуғбекка телефон қилиб, «олиб келаверинг» деди. Отабек ҳам у билан телефонда гаплашиб «уйимга олиб боринг, машинада кутиб олишади» дея ишонтирди. Кечаси Тошлоққа ярим килограмм героин билан етиб келган Улуғбек ҳибсга олинди.

Беш нафар героин олиб сотарлар қўлга олинган, энди уларни таъминлаган корчалонни тузоққа тушириш керак эди. Ёрқишлоқда қолган Қирғизистон фуқароси, ўшлик Абдуманнон Улуғбекнинг қўлига телефон қилди. Телефон ўчирилган эди. Сўнгра у Отабекнинг телефон рақамини терди. Улар ўзаро бирон марта гаплашишмаган эди. Шунинг учун Отабек ўрнига телефонда Абдуманнон билан тезкор ходим гаплашди.

— Улуғбек йўлда аварияга учрабди, «гера»нинг пули тайёр, ўзиз келинг, — деб авради. Абдуманнонни тезкор ходимлар «кутиб олишди».

Вилоятда бунгача «наркобизнес» билан шуғулланишга уринган бир қанча жиноятчилар фош этилган эди. Пухта ўйланиб, моҳирона ўтказилган назорат-харид тадбирида бу гал қўшни мамлакатдан ярим килограммдан зиёд миқдордаги наркотик моддани ўтказмоқчи бўлган, келгусида наркотрафикни кенг йўлга қўйишни кўзлаган уюшган жиноий гуруҳ фош этилди. Қўшни мамлакатдан юртимизга «оқ ажал» сўқмоғини очишга уринган уюшган жиноий гуруҳ етакчиси Улуғбек Булишев, хориждаги «таъминотчи» Абдуманнон Сотволдиев, воситачи олиб сотарлар Отабек Хонпўлатов, Акрам Юсупов, Шариф Ашуров ва Сардор Булишевларни одил суд қилмишларига яраша жазолади.

Жаҳонгир ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Вазир истеъфога чиқди

Одам ўғирлаш жинояти учун қамалган шахс ўз жонига қасд қилганлиги сабабли Польша Адлия вазири Збигнев Чвенкальский истеъфога чиқди. «Deutsche Presse Agentur» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўз жонига қасд қилган маҳкум воқеаси атрофидаги гап-сўзлар давлат арбобини шундай йўл тутишга мажбур қилган.

Ўз ўзини ўлдирган Роберт Пазик исмли маҳкум польшалик таниқли тадбиркорнинг ўғлини ўғирлашда иштирок этганлиги учун жазога тортилганди. Жиноятчилар тадбиркорнинг фарзандини озод қилиш эвазига 300 минг евро талаб қилишган. Кейинчалик маълум бўлишича, улар гаровдаги болани қийнаб ўлдиришган. Катта шов-шувга сабаб бўлган ушбу жиноят 2001 йилда содир этилганди. Жиноят фош бўлгач, унда иштирок этган бир нечта киши, хусусан Пазик ҳам жазоланган. Қизиғи шундаки, айнан шу жиноятни содир этишда қатнашганлардан 3 нафари ўз жонига қасд қилган, Пазик уларнинг учинчиси бўлди.

Вафот этган Роберт Пазикнинг қариндошлари, у ўз жонига қасд қилмаганлигини, балки ўлдирилганлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг айтишича, тадбиркорнинг ўғлини ўғирлашда катта кучлар манфаатдор бўлишган ва уларнинг номлари ошкор бўлиш хавфи туғилиши билан гувоҳлар йўқ қилина бошланган. Пазик 19 январь куни ўз камерасида чойшабга осилган ҳолда топилган.

Жангарилар йўқ қилинди

Покистон ҳарбийлари Афғонистон билан чегарадош ҳудудда 60 нафар жангарини йўқ қилдилар. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Моҳманд туманида ўтказилган махсус операция якшанба куни бошланган эди, бироқ жангарилар сўнгги 24 соат ичида ўлдирилган.

Мазкур операцияга пиёда аскарлар, қирувчи самолёт ва вертолётлар, артиллерия ва танклар жалб қилинган. Ўлдирилганлар орасида «Толибон» ҳаракатининг икки отряди бошлиқлари Анвар Саид ва Шокируллолар ҳам бор. Уларнинг қўним базалари, жангариларга бошпана берувчи шахслар уйлари ҳам йўқ қилинган. Махсус операция давомида беш нафар тинч аҳоли вакили жароҳатланган.

Таъкидлаш керакки, Моҳманд ҳудуди «Ал-Қоида» ҳамда «Толибон» ҳаракати жангарларининг ўчоғи ҳисобланади. 2001 йилда АҚШ бошчилигидаги коалиция Афғонистонда махсус тезалаш операцияларини ўтказишни бошлаганида жангарилар ушбу чегара ҳудудларига ўтиб олишган. Ўн кун аввал 600 та жангари афғон чегарасидаги Покистон ҳарбий кучлари истеҳкомларига ҳужум қилишган. Натижада олти нафар аскар ҳалок бўлган, кўплаб покистон ҳарбийлари ярадор бўлишганди. Охирги 17 ой давомида жангарилар қўлида 1500 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳарбийларнинг қайд этишича, барча жангарилар мамлакатга Афғонистондан кириб келишган.

ЭСКИ ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ТЎХТАТИЛДИ

АҚШнинг янги Президенти Барак Обама маъмурияти Жорж Буш президентлиги даврида қабул қилинган қарорларнинг кучга кириш жараёнини тўхтатиб қўйди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, тегишли буйруққа янги Президентнинг инаугурацияси (лавозимга расман тайинланиш) бўлиб ўтганидан сўнг, унинг аппарати раҳбари Рам Эмануэл томонидан имзо чекилган.

Аввалги ҳукуматнинг вазирликлар ва муассасалар ишига доир, ҳали кучга кирмаган буйруқ ва қарорлари мамлакатнинг янги раҳбарияти томонидан қайтадан кўриб чиқилади. Бу янги маъмурият қўлига ваколатлар топширилаётганда рўй берадиган оддий ҳолатдир.

Маълумки, 20 январь куни соат 12:00да ўтган йили президентлик сайловларида ғолиб бўлган Барак Обама расман давлат раҳбари лавозимида Жорж Бушнинг ўрнини эгаллади. Янги президент ва вице-президент Вашингтон Капитолийсида қасамёд қабул қилдилар.

Учувчилар наркосавдогарларга алоқадорми?

Лондоннинг Хитроу аэропортида Жанубий Африка Республикасининг «South African Airways» (SAA) компаниясига қарашли самолёт экипажининг 15 нафар аъзоси ҳибсга олинди. SAA компанияси ходимлари ҳаво кемаси бортида наркотик модда — марихуана ташиганликда гумон қилинмоқда.

Британиянинг «The Daily Telegraph» нашрида ёзилишича, Йоханнесбургдан Хитроуга келиб тушган самолётда 50 килограмм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилган. Наркотиклар учта сумкаларга жойлаштирилган. Полиция вакиллари ҳаво кемасини бошқарган учувчилар ҳамда шу рейсда ишлаган борткузатувчиларни ушлаб қолган.

Дастлаб гумонланувчилар Хитроу аэропортида ушлаб турилди. Кейинчалик улар солиқ ва божхона тўловлари бўйича Буюкбритания давлат бошқармасининг тергов бўлими вакиллари ихтиёрига топширилди. Тергловчиларнинг фикрича, ҳибсга олинганлар яна кўплаб бошқа жиноятларга алоқадор бўлиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, авиакомпанияларнинг ёрдамчи учувчи экипажлар таркиби аъзолари наркосавдогарлар ҳамтовоқларига айланиб қолишаяпти. Чунки улар тез-тез рейсларда учишади ва изчил текширилмайдилар. Бир неча кун аввал, Таитида жойлашган авиакомпаниянинг 30 нафар ходими гиёҳвандлик моддалари контрабандаси билан шуғулланувчи жиноятчиларга алоқадорликда айбланганди.

Исландияда норозилик намойиши

Исландия пойтахти Рейкьявиқда бўлиб ўтган норозилик намойиши полиция томонидан куч ишлатиш йўли билан тарқатилди. Ҳукумат истеъфосини талаб қилган намойишчиларга қарши кўз ёши оқизувчи газ ишлатилган, 13 киши ҳибсга олинган.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Исландия қонун чиқарувчиларининг биринчи иш куни — сешанбада парламент биноси олдидаги майдонда икки мингдан ортиқ одам йиғилган. Гувоҳларнинг айтишича, намойишчилар барабанлар чалиб, яқин атрофдаги уйлар ойналарини тақиллатиб тарафдорларни чорлашган. Улар кўтарган плакатларда «Гейрнинг фойдаси тегмайди» (Гейр Хорде — Исландиянинг бош вазири) ёзувлари битилганди, намойишчилар бор овозда унинг истеъфосини талаб қилиб бақиришарди.

Намойишчилар полициячиларга қор ва йогурт идишларини отиб, тартибсизлик қилишган. Маълум бўлишича, парламентнинг навбатдаги очилган сессиясида кўплаб депутатлар ҳам намойишчилар талабини қўллаб-қувватлаб, Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқишга чақиришган.

Европада Исландия Жаҳон инқирозидан энг катта зарар кўрган давлат дея эътироф этилмоқда. Молия вазирлигининг баёнотига қараганда, 2009 йилда Исландияда иқтисодий барқарорлик 9,6 фоизга камаяди, ишсизлик даражаси 7,8 фоизни, 2010 йилда эса 8,6 фоизни ташкил этади.

Эслатиш жоизки, авваллари кескин ўсиш кузатилган Исландия иқтисоди 2008 йил охирига келиб умуман издан чиққан. Шу боис, ҳукумат мамлакатдаги учта йирик банкларни, жумладан «Glitnir», «Landsbanki Islands» ва «Kaupthing Bank»ни миллийлаштиришга қарор қилган. Ушбу кредит ташкилотларининг қарзи ўтган йилнинг ноябрь ҳолатига 61 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Умуман олганда, миллийлаштириш мазкур банкларни банкротлик жараёнидан сақлаб қололмади ва ҳукумат хориждан молиявий кўмак излашга мажбур.

Фермерлар йўлни тўсиб қўйди

Грецияда намойиш ўтказаётган фермерлар 1500 та тракторлар ёрдамида пойтахт Афина билан Салникини боғлаб турувчи мамлакатнинг асосий автотрассасини ёпиб қўйишган. Ҳаракат автотрассанинг 30 километрлик масофасида тўхтаган. Фермерлар пахта, маккажўхори ва буғдойнинг нархи тушаётган вақтда ҳукуматнинг ҳаракатсизлигига қарши чиқишмоқда. Фермерлар федерацияси вакилининг таъкидлашича, ўтган йилга нисбатан пахтанинг нархи 2,5 баробар тушиб кетган.

Ўз навбатида телевидениеда баёнот билан чиққан Греция Қишлоқ хўжалиги вазирининг сўзига қараганда, ҳукумат фермерлар муаммосини ҳал этиш борасида барча имкониятларни ишга солаяпти. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, йўлларни тўсиб қўйиш билан амалга оширилаётган норозилик намойишлари мамлакат шимолида, шунингдек Крит оролида ҳам бўлиб ўтган.

Эслатиш жоизки, 2007 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг кескин ошиши кузатилган. Мисол учун, 2007 йилнинг майидан 2008 йилнинг февралига қадар буғдой нархи икки баробарга ошган. 2008 йилда кўплаб давлатлар экин майдонларини кўпайтиришган, бунинг натижасида эса нарх-наво пастга кетишни бошлаган. Мутахассислар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга, ҳосил ўрими мавсуми ниҳоясига етгач нарх-наво ошиши мумкинлигини инобатга олиб, ўз маҳсулотларини қишгача ушлаб туришни таклиф этишганди. Лекин, уларнинг башорати ўз тасдиғини топмади.

11 тонна наша ушлаб қолинди

Душанба куни Испания полициясининг жиноятчилардан 11 тонна наша гиёҳвандлик моддасини олиб қўйишди. Шунингдек, полиция рейди давомида наркотик моддалар савдосида гумон қилинган икки киши ҳам ҳибсга олинди.

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, наркосавдогарларни ушлаш бўйича операция мамлакатнинг Севилья шаҳрида ўтказилган. Полициячилар ҳибсга олинишига санкция берилган жиноятчининг изидан пойлаб боришаётганда у шериги билан учрашади. Икковлон учрашиб гаражга боришганида полиция уларни ушлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларининг айтишича, агарда жиноятчилар пайи ўз вақтида қирқилмаганда, Испанияда катталиги жиҳатдан тўртинчи ўринда турувчи Севилья шаҳри кўчаларини наша босиб кетиши аниқ эди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2008 йилда Испанияда жиноятчилардан 100 тонна наша моддаси олиб қўйилган.

АҚШ базасида ёнғин

Сешанба куни АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли, Токионинг ғарбида жойлашган «Йокота» базасида кучли ёнғин рўй берди. Ёнғин 1948 йилда қурилган, алоҳида жойлашган бир қаватли маъмурият биносида бошланган. Айрим маълумотларда айтилишича, ёнғин 4 минг квадрат метр майдонда давом этган. Бинолар таг-туги билан ёниб кетган.

«Kyodo» ахборот агентлигининг хабар беришича, ёнғин ҳарбийлар ва токиолик ўт ўчирувчиларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати ўлароқ ўчирилган. Ёнғин рўй бериши сабаблари эса ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Пойтахт Токио ҳамда Фусса шаҳри чегарасида жойлашган «Йокота» базасида беш мингга яқин америкалик ҳарбий хизматчилар, шунчага яқин ёрдамчи персонал ва уларнинг қариндошлари яшашади.

«Фаина» озод бўладими?

2008 йилнинг сентябрида Сомали денгиз қароқчилари томонидан эгаллаб олинган Украинанинг «Фаина» кемаси эгаси «Морской Бюллетень-Совфрахт» сайтида хабарнома ёзиб, қароқчиларни меҳр-оқибатга чақирди. Кема эгаси ўз хабарномасида қароқчилар уни яхшироқ тушунишлари учун гаровдагиларни озод этилишига тўланадиган товон пули кўпайтирилганини ҳам таъкидлаб ўтган.

Даставвал, «Фаина»нинг озод этилиши учун қароқчилар 35 миллион АҚШ доллари талаб қилишганди. Бироқ, олиб борилган музокаралар ўлароқ товон пули 35 миллиондан 3 миллион АҚШ долларига тушган. Кейинчалик, қароқчилар ўртадаги даллолларнинг бирини йўқотишиб, беш миллион пул олишга умид боғлаганлар. Кема эгаси товон пули қанчагача оширилганини айтмаяпти.

«Фаина» бортида «Т-32» русумли 33 та танк, 6 та оммавий ўт очиш мосламаси, гранатометлар ва қурол-аслаҳалар бор. Қароқчилар 20 нафар денгизчини гаровга олишган, улардан 17 нафари украин, 2 нафари рус ва 1 нафари латишдир. Кема капитани Владимир Колобков кема денгиз қароқчилари томонидан эгаллаб олинганидан бироз вақт ўтгач, қон босими касаллигидан вафот этган.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

БАХТЛИ ТАСОДИФЛАР

Рус кинематографчилари томонидан суратга олинган «Санников ери» бадиий фильмининг охирида шундай эпизод бор: вулқон отилишидан мўъжиза туфайли омон қолган фильм қаҳрамони Ильинни ченада олиб кетаётган маҳаллий халқ вакили унга қарата таҳминан шундай дейди: «Эй, одамзот, одамзот! Мақсадинг нима ўзи? Нима учун ўйингда ўтирмайсан? Олам кезасан...»

Дарҳақиқат, айрим тоифа одамлар борки, яшаётган гўшасида тинчгина умргузаронлик қила олмайди. Юрт кезгиси, дунё ажойиботлари билан танишгиси келади. Бу табиий ҳол. Уларнинг сафида яна шундайлар ҳам борки, бундай сафарлар билан улар ҳаётларини хавф-хатарга қўядилар ва оқибатда...

Бироқ, ана шундай кезларда, тўғрироғи ажал билан юзма-юз келганда бахтли тасодиф туфайлигина омон қолганлар ҳам учрайдики, бундайларни халқ орасида бахти қулганлар деб аташади. Гоҳида эса ана шундай бир вазиятда «илоҳий бир мўъжиза юз берган» деган қарашлар ҳам учраб туради.



Хитойдаги Юрункаш дарёси бўйлаб қайиқда сафарга чиққан россиялик туристлардан учтасининг жасади топилгач, қолганларининг тириклиги гумон қилинаётган бир пайтда улардан яна иккитасининг тирик топилиши кўпчиликни ҳайратга солди. Бир-биридан бир неча километр узоқликда, 20 кундан зиёдроқ очқолиб, ҳаёт учун курашган йигитлардан бири ги уни ҳалок бўлишдан сақлаб қолади. Аммо ўнг қўли шикастланиб, бир кўзидан айирилади. Шундай бўлсада, Жулиана аввалига хавф-хатарга тўла чангалзорда онасини излайди. Натижа бўлмагач, олдидан чиққан ирмоқ бўйлаб юра бошлайди. Тўққизинчи куни каноэ(қайиқ) билан бошпанага дуч келади. Юришга кучи қолмай, шу ерда кутишга қарор қилади.

— Александр Зверевни тўлқин улоқтириб юборган. Ўзига келгач, бир амаллаб яқин жойдаги ғорни топиб, ўзига бошпана қилган.

— Ҳар тунда музлаб қолмаслик учун ҳаракат қилардим, — деб ҳикоя қилади Александр. — Аксига олиб ўта юпун кийинган эдим. Мўъжизакор каскам ҳам анча ёрдам берди. Акс ҳолда... Ахир сув мени тошлар томон улоқтириб юборган эди. Бунинг ҳаммаси мўъжизадан ўзга нарса эмас. Худонинг кўмагида албатта...

1971 йилда 17 ёшли қиз билан юз берган воқеа ҳақида эса 1999 йили фильм ҳам ишланган. Жулиана Копка онаси билан ўтирган самолёт Перу чангалзорлари устида ҳалокатга учрайди. Ўриндиққа боғланганлиги Кўп ўтмай ўрмон кесувчилар уни шу ердан топиб олишади...

25 яшар Колби Кумбснинг тақдири эса бошқачароқ кечди. 1992 йилнинг июнь ойида икки оғайниси билан Аляскадаги Форакер тоғига кўтарилаётганда тўсатдан қор бўрони бошланиб қолди. Бу пайтда уларнинг чўққига чиқишларига озгина қолган эди. Олти соатдан сўнг ўзига келган Колби бир амаллаб қор кўчкисининг тагидан чиқишга муваффақ бўлди. Унинг икки бўйин умуртқаси, елкаси ҳамда қураги синган бўлиб, оғриққа чидаб бўлмасди. Шериклари эса ҳалок бўлишган экан. Колби 4 кун давомида нобуд бўлган оғайниларини эсламасликка ҳаракат қилиб, тоғдан тушиш йўлларини излайди. «Мен учун биринчи галдаги вазифа, қандай бўлмасин кўзларимни юммаслик ҳамда оғриқ ҳақида ўйламаслик эди» деб хотирлайди ўша мудҳиш кунларни К.Кумбс. Бешинчи куни у судрала-судрала базага етиб келди...

Қуйидаги воқеа эса 1994 йилда рўй берган. Саҳройи Кабирда ўтказилаётган марафонда қатнашаётган италиялик Мауро Проспери қум бўрони туфайли йўлдан чиқиб, бошқа томонга кетиб қолади. Адашиб қолганини билганида эса анча ичкарилаб кеттани маълум бўлганди. Кўп ўтмай егулик билан сув ҳам тугайди. Бундан кейинги қисмати нима билан тугашини тахминан ҳис қилган Мауро узоқ кутмай ўз жонига суиқасд қилади. Аммо танаси шунчалар сувсираган эдики, қон томирини кесган заҳоти, қон оқиш ўрнига зумда қуюқлашиб, жойида қотиб қолади. Орадан тўққиз кун ўтгач уни кўчманчи оила топиб олади. Аввалига Алжирдаги ҳарбий лагерга, у ердан эса госпиталга жўнатишади. Проспери чўлдаги 9 кунлик «асир»-лиги давомида нақд 18 килограммга озган экан...

2004 йили шунга ўхшаш яна бир воқеа анчагина шов-шувга сабаб бўлди. Тоғ чанғиси билан шуғулланаётган собиқ хоккейчи Эрик Лемарк учишга қизиқиб кетганидан чанғи йўлкасидан четга чиқиб кетганини сезмай ҳам қолади. Оқибатда йўлдан адашиб, Невада штатининг ёввойи ўрмонида қолиб кетади. У бир ҳафта давомида асосан ёнғоқ ёб очлигини қондиради.

Қутқарувчилар Лемаркни қор уюмидан топишди. Унинг ҳуши жойида бўлса-да, асло қимирлай олмасди. Врачларнинг хулосасига кўра, гарчи у яхшигина спорт формасида бўлса ҳам яна бир кеча қолганида ҳалок бўлиши тайин эди. Лемарк инсон зоти яшаши мумкин бўлмаган шароитда мўъжиза туфайлигина омон қолди. Аммо бунинг эвазига совуққа олдирган оёқларидан айрилди...

Шунингдек, бизнинг кунларда Роберт Робертсон билан юз берган ҳодиса ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кийим-кечак ҳамда пойафзал юклангган енгил самолётда Нассага йўл олган Роберт эндигина аэропортдан узоқлашган ҳам эди, авиаҳалокатга йўликди. Учиб кетаётган самолёт тўсатдан бошқарувни йўқотиб, ерга қулаб тушди. Оёқ-қўллари синиб, башараси дабдала бўлиб кетган учувчи, ҳушини йўқотган бўлса-да, тирик эди. Унинг самолётидан бўлса деярли асар ҳам қолмаганди.

Нима бўлганда ҳам аксарият ҳолларда юқоридаги воқеаларнинг бахтли якун топишининг асл сабабини ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Бунга маълум даражада уларнинг ўзлари тан берганларидек, илоҳий кучлар ёрдам беришгандир. Шундай бўлса-да, «чўкаётган хасга ёпишади» деганларидек, одессалик файласуфлар Ильф ҳамда Петровнинг бу борадаги фикрлари фойдадан ҳоли эмас: чўкаётганнинг қутқарувчиси унинг қўлларидир...

Ғ.АЛИМОВ тайёрлади

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан юксалиш билан бир вақтда, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Ҳаётимизда янги давр, янги босқич бошланди.

Айни пайтда мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни кечмоқда. Шубҳасиз, бу жараён мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ равишда кечмоғи даркор. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бу борада халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор хориж тажрибасига ва миллий-тарихий анъаналаримизга мос қонунлар қабул қилингани диққатга сазовордир.

Юридик атамалар таржимаси

Бизга яхши маълумки, 1989 йил 14 октябрдан эътиборан мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили сифатида қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир қонун ҳужжатини тайёрлаш жараёнида тилимиз имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Шу ўринда юридик атамалар ва уларни таржима қилишда таржимоннинг ўрни хусусида тўхталиш жоиз. Юридик адабиётлар, умуман, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам юридик атамалар ва терминларга мурожаат қилинади. Мана шу жойда улардан ўринли ва тўғри фойдаланиш масаласи келиб чиқади.

Сир эмас, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган дастлабки йилларда турли соҳаларга оид атамалар, жумладан, юридик атамалардаги хилма-хиллик авж олиб кетган эди. Сўнгги йиллар ичида юридик атамалар таржимаси борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Турли чалкашликлар, рус тили ёхуд бошқа хорижий тиллардан тўғридан-тўғри таржима қилинган атама ва иборалар қайта кўриб чиқилди. Соҳага доир қўлланмалар, юридик атама ва иборалларнинг изоҳли луғатлари яратилди. Шундай бўлса-да, ҳуқуқий адабиётлар таржимаси борасида фаолият юритувчи таржимонлар учун зарурий адабиётлар базаси етарли дея олмаймиз.

Юридик атамалар таржимаси амалиётда кўп дуч келинадиган ҳолатлардан саналади. Булар халқаро ва давлат аҳамиятига молик ҳужжатлардан тортиб, кундалик, шахслараро муносабатларгача бўлган жараённи қамраб олади.

Юридик атамаларни таржима қилишда таржимондан жуда катта масъулият талаб қилинади. Зеро, биргина юридик атаманинг нотўғри таржима қилиниши, ҳуқуқий муносабатларнинг нотўғри талқин қилинишига олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай тил доимо ривожланиб боради. Ўз навбатида унинг таркибидаги терминологик тизим, тушунча ва иборалар ҳам доимий ривожланишда бўлади. Таржимон ана шу жиҳатни доимий эътиборда тутмоғи ва терминологик тамойил ҳамда меъёрларга амал қилишни ўзи учун бош мезон қилиб олмоғи шарт.

Дилора ШОДМОНХОДЖАЕВА,
Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси

«Марҳум» тирик экан

Яқинда Санкт-Петербург шаҳрилик бир киши йўқолган паспортини тиклаш учун тегишли органга мурожаат қилганда қизиқ бир ҳолат юзага келди. Маълум бўлишича, мурожаат қилувчи, яъни баъзи сабабларга кўра номи эълон қилинмаётган эркак бундан 10 йил олдин вафот этган, умуман йўқ одам экан. Унинг бундан жаҳли чиқиб, вазиятни обдон ўрганганда тушунмовчиликнинг асл сабаби очилгандек бўлди.

У бундан 20 йил муқаддам доимий яшаш учун Санкт-Петербургнинг Қуйи Тагила деган жойига кўчиб келади. Шундан кейин унинг онаси билан алоқаси узилади. Орадан 10 йил ўтиб, онаси ўғлининг номида бўлган уйни ўзининг номига расмийлаштириш учун уни қидира бошлайди. Афсуски, сўраб-суриштиришлари бефойда кетади. Натижада она ўғлини ўлган деб топиш учун судга мурожаат қилади. Суд эса унинг мурожаатини қаноатлантиради.

Буни қаранг-ки, 2002 йилда жабрланувчининг Санкт-Петербургдаги уйида ёнғин чиқиб, паспорти ҳам ёниб кетган экан. Паспортни тиклашни ўз вақтида амалга оширмагани натижасида ана шундай тушунмовчилик вужудга келган.

Жабрланувчи ўзининг тириклигини исботлаш учун судга амакисининг қизи ва икки нафар собиқ синфдошини олиб келишга мажбур бўлди. Бу ҳам етмагандек, судда яна бир сурат намойиш этилди. Унда икки синфдошлар орасида «марҳум» ҳам кўзга ташланиб турарди. Шундай қилиб, суд уни тирик деб топди.

ФАКТ

- Филлар дунёда сакрашни билмайдиган ягона ҳайвон ҳисобланадилар.
- Электр стули тиш доктори томонидан кашф қилинган.
- Инсон мияси 1 дан 7 млн. мегабайтгача ахборотни хотирада сақлай олар экан.
- Томас Эдисон қоронғуликдан жуда қўрққан. Охир-оқибатда эса лампочкани кашф қилган.
- Австралиядаги қўёнлар сони хитойликлардан кўпроқдир.
- Эйнштейн 9 ёшида ҳам тез гапира олмасди. Ота-онаси эса бу ҳолатни ақли заифликка йўйишган.
- Жирафалар ҳимоя чоғида бошларини ҳудди болғадек ишлата олар экан.
- Грейхаунд зотли итлар пойга пайти вақтнинг 75 фоизини ҳавода учиб ўтказадилар.
- Хуррак овозининг 69 децибеллгача етиши кузатилган. Бу бетон тешувчи мослама (отбойный молток)нинг товуши билан тенгдир.
- Какку турли рангдаги тухум қўяди.
- Қизиқ ҳолат: оддий лампочка оғзимизга бемалол киргани ҳолда, уни чиқариш учун албатта врачнинг кўмаги керак бўлади.

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 56. 26 607 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida tqrildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Y.PARDAYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23.30 1 '345678